ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 29-30 (161-162) 2000 йил 19 апрель, чоршанба Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган Сотувда эркин нархда

МАҲАЛЛА - МИЛЛИЙ МАФКУРА ЎЧОҒИ

Қарийб икки минг йиллик кўҳна тарихга эга бўлган маҳалла ҳанузгача миллатимизни яхлит хулқ-одоб, умумғоя ва маслак доирасида бирлаштириб турувчи муҳим ижтимоий тизим ҳисобланади.

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

Маҳалла кенг жамоатчилик орасида шаклланган, таркиб топган, умумтартиб-қоидаларида ҳар бир шахснинг ҳаёт тарзи акс этган, уни қуюшқондан чиқиб кетиш ҳолларидан ҳимоя қилган.

Республика Оқсоқоллар кенгаши ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан «Маҳалла - миллий ғоя, мафкура, маънавият маскани» мавзусида ўтказилган йиғилиш миллий истиқлол мафкураси масалаларига, хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг шу мавзуга бағишланган йиғилишдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолдаги вазифаларга бағишланди. Уни Олий Мажлис депутати, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқаруви раиси Шуҳрат Жалилов кириш сўзи билан очди. Йиғилишда Республика Бош вазири ўринбосари, Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ва Олий Мажлис қўмитасининг раиси Нарзулла Жўраев маъруза қилдилар. Маърузачи халқимиз манфаат ва ғояларидан келиб чиқадиган, миллатимизни ягона куч сифатида бирлаштиришга қодир миллий истиқлол мафкураси аллақандай лабораторияларда эмас, халқ ичида - айнан маҳаллаларда вужудга келишини алоҳида таъкидлади. Бу борада фақат ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолиятини жонлантириш, уларга жамиятни бошқариш «мурватларини» тезроқ топшириш лозимдир. Тан олиш керак, ўзбек оилаларида асрлар оша яшаб келаётган ва энг қизиғи бугунги ижтимоий ҳаётимизда ҳам ўз аҳамият қувватини йўқотмаган анъаналаримиз, миллий мафкурамиз мавжуд. Хусусан, ота-онага ҳурмат, қариндошуруғ, ҳатто қуда - қудағайлик алоқаларимизда ўзига хос муомала «дипломатия санъати» таркиб топган. Шундай экан, жамиятнинг «қон томири» ҳисобланмиш маҳаллалар ишини тубдан жонлантириш давр талабидаги вазифага айланаётир.

Миллий истиқлол мафкураси ҳақида сўз кетар экан, бу борада хотин-қизлар ҳаёти, Оналик ва болалик масалалари изчил йўлга қўйилиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

Нарзулла ЖЎРАЕВ

ТАФАККУРДАГИ УЛҒАЙИШ

* Истиқлол мафкурасига эҳтиёж сезамиз
* «Нур - шарқдандир»
* Маҳаллада шаклланадиган мафкура яшовчандир
* Биз қурган кошона кимнинг қўлида қолади?
* Мафкура қалбдан қалбга ўтади

Миллий истиқлол мафкураси - мафкура ҳақидаги илмий-назарий тушунчагина эмас. Миллий истиқлол мафкураси ҳар биримизнинг ўйларимиз, ҳаётга, жамиятга муносабатларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, феъл-атворимиз,юриш-туришимиздир. Миллий истиқлол мафкураси бизнинг бугунги ҳаётни қандай тасаввур этаётганимиз, қандай йўл билан бораётганимиз ва ҳар бир инсоннинг ўйларидан, хаёлотидан ўтаётган фикрдир. Президент худди ана шу нозик масаланинг ана шу нозик жиҳатига алоҳида эътибор беради ва ҳар бир фуқаронинг маънавий-руҳий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини назарда тутиб, инсон юрагининг туб-тубидан келиб чиқадиган ҳис-туйғуларини жамулжам қиладиган битта ўзанга соладиган, битта йўналишга буриб юборадиган ҳукмрон мафкура кераклигини уқтиради.

Албатта ҳуқуқий-демократик давлат қураётган, бу борада қатор ишларни амалга ошираётган бир пайтда, бизда мафкуравий ҳукмдорлик бўлмаслиги керак. Бу Ўзбекистон Конституциясида аниқ кўрсатиб қўйилган. Лекин, агар биз мустақиллиқнинг моҳиятини англаган, уни олий қадрият даражасида тушунадиган бўлсак, бу неъматни асрай оладиган мустақиллик мафкурасига барибир эҳтиёж сезамиз. Виждон, иймон нуқтаи назаридан, шу миллатнинг битта вакили, шу ватаннинг битта фарзанди, шу жамиятнинг битта аъзоси сифатида мустақиллик, мустақил тараққиёт йўлини ҳимоя қиладиган мафкура кераклигини англашимиз лозим.

Биз бугун йигирма беш миллион аҳолининг йигирма беш миллион интилишини, 25 миллион хил орзу-умидини яхлит ҳолда умуммамлакат ва умуммиллат тараққиёти йўлига бўйсундирадиган, ҳар биримизнинг қалбимиздан отилиб чиқадиган миллий истиқлол мафкурасига эҳтиёж сезаяпмиз. Ва бу мафкурани давлат эмас, партиялар эмас, сиёсий ташкилотлар эмас, биз билан сиз яратамиз. Биз билан сиз ўзимизнинг хатти-ҳаракатимиз билан, кундалик фаолиятимиз билан, ўртоқларимизга вазифамизга бўлган муносабатимиз билан буни амалга оширишимиз керак. Ҳуқуқий-демократик давлат қуришнинг талабларидан бири - ана шу.

(Давоми 2-бетда).

Намангандан акс-садо

ЛАЙЛАКЛАРНИ ОМОН САҚЛАЙМИЗ

Газетамизнинг шу йил 8 март сонида босилган «Сиз севган лайлакларни қурбон қилишмоқда, Саид Аҳмад домла» сарлавҳали мақола республикамиз жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Энг муҳими, мамлакатимиз Президенти ўтказган Оқсарой қароргоҳидаги йиғилишда инсон маънавиятига бевосита боғлиқ бу мавзу ҳақида баҳс-мунозара бўлди. Президентимиз бу борада кескин хулосалар ясаш лозимлигини алоҳида қайд этдилар. Табиатни муҳофаза қилиш Наманган вилоят қўмитаси раҳбари М.ҲОШИМХЎЖАЕВ бизга ўз муносабатини йўллабди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ҳурматли Бош муҳаррир!

Қўмитада газетанинг ушбу мақоласи атрофлича ўрганиб чиқилди.

Вилоятда жами 43,5 минг гектар овлоқ майдонлар мавжуд. Вилоятимиз табиатининг ўзига хослиги, ранг-баранглиги, иқлимининг қулайлиги боис бу ерларда ҳайвонот дунёсининг яшашига ҳамда кўпайишига қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўтган саккиз йил мобайнида вилоят ҳудудидаги чиябўрилар 1,4 мартага, бўрилар 2,8 мартага, жайронлар 1,4 мартага, қуёнлар 1,5 мартага, тулкилар 1,1 мартага, қумрилар 2 мартага, кутон (цапля)лар 1,1 мартага, қирғовуллар 1,5 мартага, беданалар 1,3 мартага, йўрға тувалоқлар 7 мартага кўпайганлиги кузатилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган лайлакларнинг 2600 тадан 4200 тага кўпайганлиги қувончли ҳолдир.

Яшаш учун шароит, озиқ-овқат манбаи ва бошқа керакли омиллар мавжуд бўлганлигидан кейинги йилларда лайлаклар қишин-ёзин ўлкамизни тарк этмаётирлар. Шу ерларга ин қуриб, полопонлар очиб кўпаймоқдалар.

Бу йил лайлакларнинг сони ўртача яна 200-250 тага кўпайиши кутилмоқда.

Газетада чоп этилган мақола юзасидан муаллиф билан учрашиб, суҳбатлашганимизда лайлакларнинг қурбон бўлишаётганлиги ҳақида унинг ўзида аниқ маълумотлар йўқлиги, ушбу мавзуни кўтариб чиқишига сабаб, ўзи танимайдиган одамлардан тўй-маъракаларда ва турли йиғинларда бу тўғрида эшитганлиги, ўз кўзи билан бирор жойда лайлакларни бирор киши томонидан милтиқ ёки бошқа ов қуроли билан ўлдирилганлигининг гувоҳи бўлмаганлигини маълум қилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, қўмита ташкил топгандан буён вилоят ҳудудида лайлакларни отиш ёки нобуд қилиш бўйича бирорта ҳам қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмаган.

Мингбулоқ туманидан юқоридаги мақола муаллифи Н.Исомиддинов томонидан аниқ факт ва маълумотларга асосланмаган ҳолда Сизларга йўлланган мактуб ва газета саҳифасида эълон қилинган мақолада айтилган фикрлар бу борадаги ҳақиқий аҳволга мос келмайди, деб ҳисоблаймиз.

Вилоят ҳайвонот дунёсининг, жумладан,лайлакларнинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни газетангизнинг келгуси сонларида эълон қиласиз, деган умиддамиз».

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз бу мақола юзасидан билдирилган муносабат учун мамнунмиз. Мулоҳазали томони шундаки, фақат қўлдаги ҳужжатларга таянсак, алданиб қолмасмиканмиз. Аввало, ҳеч ким ўзи нобуд қилган лайлакни кўтариб қўмитага келиб, рўйхатдан ўтмайди. Умуман, бу ҳолатни бутунлай назорат қила олаяпмиз, деб ҳам ўзимизни ишонтиришга, буни «ҳаққоний маълумот» деб одамлар фикри билан ҳисоблашмасликка ҳаққимиз йўқ. Агар биз ана шундай долзарб мавзуни кўтарган фуқарога нисбатан «фактлар» талабини қўйсак, эртага ҳеч ким виждон амри билан сизга кўмаклашмайди.

Хулоса шуки, табиат кенг, уни қўмита «фактлар»и эмас, одамлар ўз маънавий олами билан назорат қила олади. Муаллиф одамларни шунга даъват этган, холос.

ШУ СОНДАГИ

2-саҳифасида:

● Йиғилиш раиси масала моҳиятини қуйидан - бевосита маҳалла ичидан ўрганишни лозим топди.

● Маҳаллада шаклланадиган мафкурагина яшовчан бўла олади, - деб ҳисоблайди муаллиф.

● ... аммо оилада тарбия олган болагагина маҳалла ва мактаб тарбия бера олишини унутиб қўяяпмиз!

● Конрад Аденауэр ва маҳалла институти.

● Кўча - ҳамманики! Муаммосичи?

● Огоҳлик - ҳар куннинг талаби.

3-саҳифасида:

● Даромад кўрдингизми - декларацияда кўрсатинг.

● Сочи тўкилаётганларга нима керак?

● Ҳуқуқингиз, ҳаққингиз нимадан иборат?

4-саҳифасида:

● «Божамга айтиб қўйинг, мени шарманда қилиб, болаларини чувиллаштириб тўйимга бориб юрмасин...»

● Меҳмони учун ҳар куни «қўй сўйдириш» шаҳарликка осон кечмади.

● Саёқ аёл суд ҳимоясидами?

● Никоҳ узугини ўзгага тақманг!

Мамлакатимизга АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг ташрифи

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрел куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, М.Олбрайт орқали АҚШ ҳукумати ва халқига эҳтиромини изҳор этди. Мазкур ташрифни икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки берадиган муҳим тадбир, деб билишини таъкидлади.

- АҚШ Давлат котиби охирги марта 1992 йилда Ўзбекистонга келган эди,- деди Президент учрашувда.- Ушбу ташриф АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиши ошиб бораётганидан дарак беради.

Мадлен Олбрайт Ўзбекистонга сафари қизиқарли ва айни пайтда самарали кечаётганидан мамнуний изҳор этди. Меҳмон бу учрашувга қадар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб келганди. Учрашувда ана шу сафар таассуротлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Меҳмон 16 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ва ўқитувчилари ҳузурида маъруза қилди.

ОЛБРАЙТНИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ЗИЁРАТИ

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Дастлаб америкалик меҳмон Самарқанддаги «Сабр» ишонч маркази фаолияти билан танишди. Мазкур марказ оилани мустаҳкамлаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ муаммолар билан шуғулланади.

Мадлен Олбрайт шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликларни томоша қилишни Регистон майдонидан бошлади. У Шоҳи Зинда мажмуи, Гўри Амир мақбараси ва Бибихоним мадрасасини мароқ билан кўздан кечирди.

АҚШ давлат котиби «Сиёб» бозорида бўлиб, бозорларимизнинг сахий ўзбек заминида етиштирилган ноз-неъматларга бойлигига шоҳид бўлди. Айниқса, Олбрайт хонимга ўзининг исми ёзилган машҳур Самарқанд нони тақдим этилганда, у ҳайратини яшира олмади. У «Мерос» ва «Усто» халқ амалий санъати марказлари фаолияти билан ҳам танишди.

Мадлен Олбрайт хоним Бухоро шаҳрида бўлганида яҳудийлар синагогасида ибодат қилди. Ибодат сўнгида АҚШ Давлат котиби чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун интервью бериб, жумладан, шундай деди:

- Мен ҳозиргина синагогада жаҳон халқларига тинчлик тилаб ибодат қилдим, шамчироқ ёқдим. Ўзбекистонда, яна такрор айтаман, Ўзбекистонда барча динларга бир хил эътибор берилаётгани, виждон эркинлиги тўла таъминлангани мени жуда қувонтирди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийди...

Шундан сўнг Олбрайт хоним Бухоро ҳунармандлари марказини томоша қилди.

Пойи Калон мажмуи, айниқса, Масжиди Калон тарихий обидаси америкалик меҳмонларни ҳайратга солди. М.Олбрайт Марказий Осиёдаги бу энг катта масжид Бухоро шаҳрининг юбилейи арафасида шахсан юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва амалий ёрдами билан таъмирлангани, аслига қайтарилганини эшитиб хурсанд бўлди.

- Бухоро, ҳақиқатан ҳам, Шарқ гавҳари экан, - деди сафар сўнггида М.Олбрайт, - мен бу қадимги маданият ва дин ўчоғини зиёрат қилар эканман, кўнглим ғоятда кўтарилди.

Анвар Каримов,
Илҳом Сафар,
ЎзА мухбирлари.

УРГАНЧНИНГ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Боинг-667» замонавий ҳаво лайнери «Лондон-Урганч-Тошкент» янги трансконтинентал йўналиши бўйича учиб, Хоразм аэропортига келиб қўнди.

Бу билан Урганч аэропортининг халқаро мақомга эга эканлиги амалда исботланди.

Аэропортга бу мақом расмий тарзда ўтган йили, уни замонавийлаштиришнинг биринчи босқичи якунланганидан сўнг берилган эди.

Халқаро талабларга жавоб берадиган янги терминал тантанали равишда очилган куннинг эртасига биринчи бор ҳаво лайнери Лондондан тўхтовсиз учиб келди. Эндиликда, ҳафтада бир марта Буюк Британия пойтахтига ва келажакда - Ғарбий Европанинг бошқа шаҳарларига жўнаётган мамлакатимиз фуқаролари ва меҳмонлари аэровокзал мажмуи хизматидан фойдаланади.

Т.Шамаков,
ЎзА мухбири

«MAHALLA» кўтарган мавзу

Маҳаллангизда нега ширкат йўқ ёки оқсоқол оқсаяптими?

Сир эмас, бугунги кунда маҳаллалар аҳолисига хизмат кўрсатиши лозим бўлган «ЖЭК»лар фаолияти ҳақида гап кетганда, миннатдор одамни топиш қийин.

Собиқ шўролар тузуми маҳсули бўлган бу хизмат тури бугуннинг талаби даражасида фаолият кўрсата олмаётганлиги рост. Қолаверса, мамлакатимиз миқёсида маҳаллалар ишига жуда катта эътибор берилиб, унинг жамиятнинг бошланғич бўғини даражасидаги мавқеи тан олинаётганида бу хизмат тури ўз ишини мана шу ўзгаришларга мослай олмаяпти ҳам.

Ҳаёт тақозосига кўра инсон яшаш тарзи талабидан йироқлашган ҳар бир тузилма ўрнига янги тузилмалар даъвогарлик қиларади. Шунингдек, бугунги кунда биздаги «ЖЭК»лар ўрнига ҳам маҳаллаларда турар жойларга хизмат кўрсатишга мослашган турли хилдаги ширкатлар даъвогарлик қилмоқда. Улар орасида бевосита маҳаллаларнинг ўз тасарруфида бўлган ширкатлар фаолияти ўзини оқлашига кўпчилик ишонч ҳам ҳосил қилди.

«Mahalla» газтасида пойтахтимиздаги баъзи маҳаллаларнинг бу борадаги фаолияти намуна сифатида ёритилди. Ушбу мақолаларда маҳалла тасарруфида юзага келган ширкатлар туфайли маҳаллалар ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришлар юз кўрсатаётганлиги ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилганди. Бу борада Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқарувида турли нуфузли идоралар иштирокида мунозаралар бўлиб ўтди. Ширкат ташкил қилган маҳалла оқсоқоллари тажрибаси ўртоқлашилди. Тўғри, бу борадаги муаммолар ҳам эътироф этилди. Хусусан, бу тажрибага маҳалла оқсоқолининг тажрибаси мослашмаганлиги, унинг ишлаб чиқариш, молиявий хўжалиқ юритиш борасида малакаси йўқлиги, ҳали бу тузилманинг қандай бўлиши муаммоси ва ниҳоят эскича фаолият кўрсатаётган хизмат тури идорасининг ўз ўрнини осонликча бериб қўймаслиги ҳамда берганда ҳам издан чиққан фаолиятни мерос қилиб бериши кабилар... Буларнинг ечими ва ширкатлар юзага келишининг бош сабаби бу албатта маҳалла оқсоқоли ташаббускорлиги, журъати ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқлиги ҳам тажрибаларда кўринди.

Бугунги кунда эса негадир бундай ташаббускорлар сони кўпайиб бормаяпти. Сабаб... Таҳририятнинг кузатиш ва ўрганишлари асосидаги хулосалари битта: маҳалла аҳли ташаббус билан чиқмаяпти, оқсоқол янгича ишлашга журъат қила олмаяпти.

Хўш, сизнингча-чи, азиз муштарий? Сиз - ҳаёт ичидаги одамларсиз, бунинг бошқа сабабларини ҳам кўриб-билиб юргандирсиз. Бизга шу ҳақда ёзиб юборинг.

Хатларингизни кутамиз.

«Неваралар бизни ёшартирди, ойиси».

«ТОЗАЛИК ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ» ЯКУНЛАНДИ

УНДА МАҲАЛЛАЛАР ҚАНДАЙ ИШТИРОК ЭТДИ?

Республикамизда баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида 2000 йил 10 мартдан 10 апрелгача «Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» эълон қилиниб, уни ўтказиш юзасидан Республика «Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ташкилий ва амалий тадбирларни йўлга қўйди.

Бу яхши ният билан бошланган ишлар барча вилоятларда самарали олиб борилди. Айниқса, Қашқадарё вилоятида «Тозалик ва кўкаламзорлаштириш», «ҳашар» кунларини намунали уюштирилиб, бунда ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва барча маҳалла аҳлининг кенг иштироки таъминланди.

Қарши шаҳридаги Хўжахиёл маҳалласи айниқса бу борада фаоллик кўрсатишди. Маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот ва корхона раҳбарларини ҳам ушбу ишга ўз ҳиссасини қўшишга чақирдилар.

Умуман, Қашқадарё вилояти бўйича «Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»да 900000 киши қатнашди.

Экилган дарахт ва кўчатларнинг сони 4 миллионни ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 7-сонли маҳаллада «Тоза ва кўкаламзорлаштирилган кўча», «Энг озода ва кўкаламзорлаштирилган хонадон» мавзусида тадбирлар ўтказилди. Маҳалланинг ушбу ташаббуси «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан қўллаб-қувватланди.

Тошкент шаҳрида ўтказилган ободонлаштириш ойлигида 518668 фуқаро қатнашди.

Наманган вилоятида ҳам «ҳашар» кунлари ниҳоятда самарали ўтди.

Чортоқ туманида шу ойлик давомида Зафар Диёр ва Тошлоқ маҳаллаларида янги фуқаролар йиғини бинолари ҳамда маҳалла гузари ишга тушди.

Косонсой туманида Юмолоқ Шайх мозор маҳалласида қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиб, ушбу маскан атрофи маҳалла фуқароларининг ўз кучлари билан ободонлаштирилди.

Бухоро шаҳрида «Энг озода хонадон» кўрик-танловлари ўтказилди.

Навоий вилоятида ҳам барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ойлик билан чекланмай, тозалик ва ободонлаштириш ишларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Шунингдек, вилоят маҳаллаларида «Ҳар кимнинг ўз дарахти бўлсин» шиори билан тарғибот тадбирлари ўтказилди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят манзили: Тошкент, Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 622, 635-хоналар.

Хатлар учун: 700011, Тошкент-11, а/қ 7168

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-57-62, масъул котиб 144-34-24 ижодий бўлимлар— 144-23-90, Қабулхона — 144-23-34. 133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

МАҲАЛЛА - МИЛЛИЙ МАФКУРА ЎЧОҒИ

ТАФАККУРДАГИ УЛҒАЙИШ

Коммунистик мафкура даврида тазйиқ билан ҳаммамиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

- Кўплаб хорижлик меҳмонлар, қолаверса, Покистон, Италия давлатларининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари билан учрашганимизда биздаги Хотин-қизлар қўмитаси ва айниқса, маҳалла бошқаруви ҳаёти уларни алоҳида қизиқтиришининг гувоҳи бўламиз, - деди ўз нутқида Д.Ғуломова. - Албатта миллий мафкура ғоясини яратадиган ижтимоий институтлар бизда етарли. Фақат эндиликдаги вазифа кучли давлатдан кучли жамият сари қадам қўйиш - халқона айтганда, ўзини ўзи бошқариш идоралари ваколатига тўлиқ эркинлик беришдадир.

Миллий истиқлол мафкураси ҳақида сўзлар экан, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов мазкур масала юзасидан қандай фикр-мулоҳазалар борлигини, бевосита қуйидан, айнан маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан билишни ихтиёр этди. Чунки расмий доираларда, нуфузли йиғинларда муаян масалалар юзасидан ҳар қанча мулоҳазалар билдирилмасин унинг халқ орасидаги талқин ва тарғиботи ўрганилмаса, иш натижасиз қолаверади. Шу маънода пойтахтдаги Шайхонтоҳур тумани Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Қосимовнинг аниқ-лўнда таклифлари эътиборга моликдир. Маҳалла оқсоқолининг сўзларига қараганда, аҳоли ўртасида миллий истиқлол мафкураси, миллий ғояни тарғиб қилишда оқсоқолларнинг ўзини муайян билимлар билан қуроллантириш зарур. Бунинг учун эса маҳалла раисининг иш столида аниқ китоб-қўлланма, дастурий ҳужжатлар бўлиши зарур. Ушбу китобчани яратишда «Маърифат ва маънавият» кенгаши алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатиши лозим. Бундан ташқари маҳалла аҳли муаммоси биргина маҳалла институтининг эмас, балки «Камолот» жамғармаси, бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотлар, сиёсий партияларни ҳам ўйлатадиган масалага айланиши даркор.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан профессор, Нуриддин Алиқориев, журналист Мурод Калонхоновлар, «Маҳалла» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Таъна-берди Қурбонов маънавият, миллий ғоя мавзуларида ёшлар билан иш олиб бориш баробарида, уларни иш билан таъминлаш, қишлоқ ҳудудларида бандлик масалаларини маҳалла институти кўмагида ҳал этиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ушбу йиғилиш баённомаси асосида махсус қарор қабул қилиниб, юқоридаги мавзу бўйича аниқ иш режалари белгилаб олинди.

Н.АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

битта мафкуранинг қулига айланиб қолган эдик.

Биз бугун иймон-эътиқодимиз, виждонимиз билан, бутун шахсиятимиз билан боғлиқ бўлган ғоя, уни асрайдиган мафкура билан яшашимиз лозим. Бундай мафкура лабораторияларда туғилмайди. Бундай мафкура маҳаллаларда, одамларнинг турар жойларида шаклланади. Маҳалла бўлиб яшаш, маҳаллийчилик эмас, маҳаллачилик қарийб икки минг йиллик тарихга эга бўлган жуда катта маданият, жуда катта маърифат ўчоғи. Маҳалла бўлиб яшаш инсоннинг инсонлиги учун қадрлашнинг маънавий кўринишидир. Ва умуман инсоният тарихида, шарқда, хусусан Ўзбекистонда маҳалла ота-онадан улуғ турадиган, ота-онанинг улуғлигини исботлаб, таърифлаб берадиган ва ана шундай бир таърифлар, ана шундай маънавий-руҳий талаб ва эҳтиёжлар нуқтаи назаридан вужудга келган жуда катта мафкуравий ўчоқ дейишимиз мумкин.

Бугун биз илмий жамоаларда яратадиган мафкурамиз айни ана шу минг йиллар давомида шаклланган дунёқарашларимизнинг илмий назарий ифодаси, тартибга, қоидага солинган шакли бўлиши керак. Аслида оддийгина инсон сифатидаги интилишларимиз: фарзандимнинг камолини, неварамнинг бахтини кўриш, неварам учун иккита терак экиб қўяй, деган энг оддий ҳаётий орзунинг ўзи миллий мафкурамизнинг илдизи, асоси эмасми?

Бир ҳақиқат бор: Дунё тафаккур олами шарқдан баҳра олди, дунё тафаккур олами шарқда дунёга келди. Машҳур европалик алломалардан бири «Нур - шарқдандир», деган эди. Бу сўзнинг маъноси кўп. Албатта қуёш шарқдан чиқади. Қуёш дунёга ҳаёт бағишлайди. Лекин шугина эмас. Инсоният тарихида тафаккур, маърифат шарқдан тарқалганига ҳам ишора қилинмаяптими? Ва бундан минг йил бурун улуғ бобоқалонимиз Абу Наср Фаробий «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти хатти-ҳаракатда билинади», дегани бежиз эмас.

Президент миллий истиқлол мафкураси масаласини ўртага ташлар экан, комилликка, тозаликка, покликка чақираяпти ва бутун жамиятни, йигирма беш миллионлик оиламизнинг ҳар бир аъзосини ана шундай катта мақсад ва ғоя билан яшашга даъват қиляпти. Ана шундай кенг миқёсдаги тарбиявий, маънавий, руҳий жараённинг асоси маҳалладир. Маҳаллада шаклланадиган мафкурагина яшовчан бўла олади. Чунки, юқорида айтганимиздек, мафкуранинг илмий асослари, назарий қўлланмалари ижодий лабораторияларда, тадқиқот муассасаларида яратилиши мумкин. Лекин ҳаёт уни тан олмаслиги ҳам мумкин-да. Қачонки, биз ҳаёт нуқтаи назаридан уч минг йиллик тарихимиз жараёнида шаклланган дунёқарашлар нуқтаи назаридан ўз хаёлотимизни, орзу-умидларимизни тартибга солмасак, миллий мафкура ҳавода муаллақ қолаверади. Жамиятнинг энг бошланғич бўғини, инсон кундалик эҳтиёжларига дахлдор бўлган, остонангдан чиқиб дилингни очадиган маҳалла бўлганидан кейин, демак бизнинг бутун тақдиримиз, ҳаётимиз ана шу жойдагина ҳал этилади ва маҳалла деган муқаддас бир гўшанинг тақдири билан боғлиқ бўлади.

Айни фуқаролик жамиятида жамиятни жамоат ташкилотлари бошқарар экан, жамоат ташкилотларининг энг бақуввати, энг ҳаётийси, энг одамларга яқин бир шакли маҳалла экан, маҳалла жамиятни бошқаришга қодир бўлган қудратли бир омилга айланмоқда. Давлат ўзининг вазифасини аста-секинлик билан, Президент айтганидек, жамоат ташкилотларига юклар экан, бу жараёнда энг аввало маҳалланинг ролини оширгани бежиз эмас.

Бугунги маҳалла жамиятни бошқара бошлади. Ўзининг фаолият доирасини кенгайтирди, фаолият мазмунини чуқурлаштирди. Бугунги фуқаролар йиғини раиси бундан ўн йил бурунги маҳалла қўмитасининг раиси эмас. У бугун жамият тақдирига, тараққиётига дахлдор инсонга айланди. У бугун ўз маҳалласининг отаси деган сўзнинг атрофидаги тушунчалардан ўн карра, юз карра кенгроқ тушунчаларга эга бўлди. Айни пайтда маҳалланинг, юртнинг отаси, деган сўзнинг моҳияти янада чуқурлашди. «Авесто»дек буюк, илоҳий бир мўъжизанинг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган, бутун бир қадриятларимизни, ахлоқий мезонларимизни қайта тиклашга интилаётган бир пайтимизда элнинг ўзлигини англаш жараёни ҳал қилинаётган бир шароитда «миллий истиқлол мафкураси» деган тушунчанинг пайдо бўлиши ва умуман жаҳоннинг мафкура билан шуғулланадиган фанларида «миллий истиқлол мафкураси» деган тушунча айни Ўзбекистон орқали кирмоқда десак, хато бўлмайди. Хуллас, жаҳон мафкурасида миллий истиқлол мафкураси «ўзбек модели» сифатида кўзга ташланади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Инсоният тараққиётини белгилайдиган ва кафолат берадиган, бутун Ер шарининг кейинги асрлардаги тақдирини ҳал қиладиган ғоя қандай бўлиши керак деган бир пайтда, юзлаб ғоялар тавсия қилинаётганда, миллий истиқлол мафкураси шаклидаги ғоя алоҳида ажралиб туради. Ана шундай ноёб ғоя, катта бир мақсадга йўналтирилган мафкура мамлакатимиз раҳбари орқали дунёга келаётгани ва ана шу жараёнда биз билан сизнинг қайсидир даражада иштирок этаётганимизнинг ўзи ниҳоятда қувончли. Айни пайтда ниҳоятда масъулиятли.

Бугун биз мустақиллик туфайли эришган муқаддас ғояларимизнинг янги асрдаги тақдири қандай бўлади? Биз бугун не машаққатлар билан қурган улкан Ўзбекистондек бир ҳашаматли серфайз кошона кимнинг қўлида қолади? Ва кейинги авлод ана шу кошонани, шу муқаддас ғоялар билан бирга, муқаддас ниятлар, орзу-умидлар билан бирга асрай оладими, йўқми? Шунга муносиб фарзандни биз тарбиялай оляпмизми, йўқми? Бу бизни қийнаши керак. Бу жуда муҳим ва жиддий масала.

Ўтган йил кузидаги Боткен воқеалари ҳаммамизга маълум. Ундан олдинги феврал воқеалари ва бошқа салбий ҳодисалар, ҳар хил варақалар... Булар ҳаммаси бизнинг мана шу муқаддас ғоя атрофида тўпланишимизни тақазо қилади, келажакка бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқлигини кўрсатади. Уч минг йиллик тарихнинг меросхўри сифатида , кейинги авлодни бизга боғлаб турадиган куч, занжир вазифасини, айтиш мумкинки, олтин занжир, олтин ҳалқа ролини бажарадиган муқаддас тушунча бу - миллий истиқлол мафкурасидир. Демак бу қонимиз, жонимиз, руҳимиз орқали болаларимизга ўтадиган шахсиятимиз ва миллий мансублигимиз билан боғлиқ бўлган олий қадрият. Энди уни барча чангу ғуборлардан, ён-атрофимиздан тўкилаётган мағзавалардан асраб-авайлашимиз керак. Мафкуравий курашнинг чегараси йўқ, мафкурани ушлаб бўлмайди. Бу онгдан-онгга, қалбдан-қалбга кўчиб юрадиган, кўзга кўринмайдиган ва охир оқибатда бефарқликдан ўзингни хонавайрон қиладиган ниҳоятда даҳшатли, айни пайтда тўғри йўлга сола билсанг, ниҳоятда қудратли, бунёдкор ғоя. Биз ана шунинг фарқини ажрата олишимиз керак.

Конрад Аденауэр ва маҳалла

Конрад Аденауэр жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган «Номарказлаштириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, органларининг негизи. «Ўзбекистон қишлоқларида ислоҳотларни ривожлантиришда фуқаролар йиғинларининг роли, ҳуқуқий, иқтисодий муаммолар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» масалаларига бағишланган семинарининг навбатдагиси Қаршида бўлиб ўтди.

МАҚСАД - ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Унда Қарши шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари вилоят бўлимларининг раҳбарлари, фермерлар, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Конрад Аденауэр жамғармаси минтақавий мухтор вакили В.Г.Шрайбер, семинар раҳбари Улуғбек Муҳаммадхонов, вилоят ҳокимининг котибияти мудири Марям Гердиевалар семинардан кўзда тутилган мақсад ҳақида батафсил тўхталдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича кафедра мудири Муқимжон Қирғизбоев, Республика Ишбилармон аёллар ассоциациясининг масъул ходими Ширин Обидова, Республика ўрта ва кичик бизнесга ҳамкорлик қилиш маркази раҳбари Марлен Мирзаев, вилоят ҳокимлиги умумий бўлими мудири Раҳим Нуриддинов, «Қашқадарё» ва «Қашкадарья» газеталарининг Бош муҳаррири Бўри Норқобилов, вилоят радиокомпанияси раиси Ҳусан Темиров ҳамда бошқа маърузачилар семинар мавзусига доир долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр юритдилар. Семинар мавзуси ва Конрад Аденауэр жамғармаси фаолиятига оид видеофильмлар намойиш этилди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни юзасидан ташкил этилган давра суҳбатида долзарб масалалар ўртага ташланди ва мунозараларда самарадорликни ошириш, муаммолар ечимини топиш соҳасидаги тажрибалар ўртоқлашилди. Шундан сўнг семинар қатнашчилари уч гуруҳга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар. Биринчи гуруҳда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, иккинчи гуруҳда ёшларнинг, учинчи гуруҳда эса фермерлар ва тадбиркорларнинг вакиллари шуғулландилар.

Семинарнинг якунловчи машғулотида уччала гуруҳ раҳбарлари ва таклиф этилган масалалар бўйича ўз таклиф ва мулоҳозаларини баён этдилар. Конрад Аденауэр жамғармаси минтақавий мухтор вакили В.Г.Шрайбер семинар қатнашчиларига ва уни ўтказишда яқиндан ёрдам берган вилоят ҳокимлигига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент. Хат

КЎЧА МУАММОСИ - КИМНИНГ МУАММОСИ?

Бу воқеа 1972 йилнинг 10 май субҳидамида рўй берганди. Эрта тонг. Одамлар ҳали ширин уйқуда. Қаттиқ гумбирлаш одамларни саросимага солиб қўйди. Не кўз билан кўрайликки, Қўчқор Исҳоқов номли кўчанинг 131-мактаб рўпарасида ер тагидан ўтувчи йўғонлиги бир метрли сув қувури ёрилиб, ундан отилаётган сув баҳайбат фаввора ҳосил қилганди.

То одамлар ҳушига келиб, бирон чора кўришга киришгунларича, фавқулодда ҳосил бўлган фаввораниг суви ўзига йўл ахтариб, пастқам жойларни тўлдириб, йўлида учраган тўсиқларни қўпориб борарди...

Қ.Исҳоқов кўчаси (ўша вақтлар «Роҳат» номи билан аталар эди) Дўмбраобод маҳалласининг марказидан ўтган. Унинг бир қисми «Дўмбраобод» ва «Халқлар дўстлиги» кўчалари оралиғидан ўтади.

Ҳозирги кунда Жанубий темир йўл вокзали ва Самарқанд автомобил шоҳбекатини, «Ўрикзор» мавзесидаги «Карвонсарой» бозорини мазкур кўча боғлаб туради. Табиийки, автомобиллар серқатнов, соатига 400-450 тага яқин енгил автомашина рухсат этилганидан анча юқори тезликда ўтади, 5 тоннадан 15 тоннагача оғирликдаги юк машиналарининг адоғи йўқ. Кўча бўйидаги иморатлар ҳар гал катта тезликдаги ёки оғир юкли автомашина ўтганда зириллаб кетади. Натижада девор чоклари ёрилиб, сувоқлар кўчиб кетиб, деярли ҳар йили таъмирлашни талаб этмоқда. Кўча йўлининг тагидан кучли босимли сув ташувчи қувур, иссиқлик трассаси қатта кучланишли электр кабели ўтган. Бундай қурилмалар ташқи таъсирга тез берилувчан бўлиб, таг замини кўчса, қувур чокидан ёрилади (юқоридаги воқеани эслайлик), кабел сими узилади. Энг хавфли томони шундаки, тилга олинаётган кўчада икки ўрта мактаб, билим юрти, иккита болалар боғчаси, маҳалла чойхонаси, бир неча савдо шохобчаси, жомеъ масжиди жойлашган. Демак, бу йўл ҳамма вақт мактаб-боғчага чопган болалару харид ёки ибодатга шошган одамлар учун хавф-хатарга тўла.

Бундан уч йил бурун «Наққошлик» маҳалласидан ўтувчи Анҳор устига техник жиҳатдан талабга мутлақо жавоб бермайдиган кўприк қурилган. Бу ҳам кўчада автомобил қатновининг кўпайишига ўз «ҳиссаси»ни қўшмоқда. Унда на Дўмбраобод, на «Наққошлик» маҳалласи фуқаролари учун бирон наф бор!

Шаҳримиз кўчалари обод, фаровон, шинам бўлиши учун ҳукуматимиз қилаётган саъй-ҳаракатларни кўриб турибмиз. Табиийки, биз ҳам кўчамизнинг озода, файзли бўлишини истаймиз. Шу истак илинжида мурожаат этганимиз - мутасаддилар ташкилотлар бизни жавобсиз қолдириб келмоқдалар.

Раҳмонберди КЕНЖАЕВ,
Автомобил йўллари институти доценти, техника фанлари номзоди.

ПОЙДЕВОР ПОЙДЕВОРДЕК БЎЛСИН

Эртага келажак пойдеворини қўйиши лозим бўлган, бугунда вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбияламоғимиз керак? Улар қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим? Ёшларимиз онгида бўшлиққа, тарбиясида сусткашликка йўл қўймаслигимиз учун нималар қилишимиз зарур?

Куни кеча пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 290-мактабда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, ҳуқуқ-тартибот органлари, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ходимлари, Абай, Маърифат маҳаллаларининг оқсоқоллари, маҳалла посбонлари сардорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида ўтган йиғилишнинг кун тартибидан асосан ана шу масалалар жой олди. Йиғилишда сўзлаган шу мактабнинг илмий бўлим мудири С.Қурбонова, Абай маҳалласи оқсоқоли М.Султонов, туман ҳокими ўринбосари Қ.Муҳаммадалиев ва бошқаларнинг нутқлари билан қизғин мунозара бошланди.

Лариса ХВАН,
290-мактаб директори:

- Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши, биз ўқитувчи ва мураббийлар олдига жуда улкан вазифаларни қўйди. Мен бу масъулиятни ўз зиммамиздан соқит қилмаган ҳолда бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги қонунида боланинг тарбияси учун ота-онанинг жавобгарлиги аниқ кўрсатилган. Аммо бизда ҳали-ҳамон бола тарбияси учун бутун масъулият ўқитувчи ва мураббий зиммасида. Бу ҳол давом этаркан, ўқитувчи таълим ўрнига тарбия билан шуғулланар экан, унда қандай қилиб биз ёшларимизни билимли, ақлли, баркамол инсонлар қилиб етиштирамиз?

Аммо масаланинг иккинчи томонини ҳам унутмаслигимиз керак. Ичкиликка ружу қўйган, гиёҳванд, тарбияси бузуқ ота-онадан бола қандай ўрнак оладию, қандай тарбия кўради. Шунинг учун ҳам менимча, мактаб, маҳалла, участка нозирлари, бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз керак. Шунда ўқитувчи дарс бериш ўрнига синфга кирмаган ўқувчининг орқасидан қувиб юрмайди. Шунда ота-она ўз фарзандининг қаердаю, нима иш билан машғуллигидан хабардор бўлади. Шундагина биз ёшларимиз тарбиясида, онгида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олган бўламиз.

Мурод БОБОНАЗАРОВ,
Маърифат маҳалласининг оқсоқоли:

- Биз «Маҳалла - тарбия ўчоғи» иборасини такрорлашни хуш кўрамиз. Аммо оилада тарбия олган болагагина маҳалла ва мактаб тарбия бера олишини унутиб қўяяпмиз. Маҳалла оилавий шароити оғирларга моддий ёрдам кўрсатади. Эзгу ишларга бош-қош бўлади. Аммо тарбияси оғир болалар билан ишлашда ҳуқуқ-тартибот органларига, ёшларимизга таълим-тарбия беришда мактабга суянишимиз табиий. Назаримда маҳалла аҳли ҳам, ҳуқуқ-тартибот органларию мактаб жамоаси ҳам тарбияси оғир болалар билан ишлашда қўнгилчанлик қилишаяпти. Жиддий чоралар кўриш, касалликнинг олдини олиш учун, унинг бошқаларга юқмаслиги учун курашиш пайти келмадимикин? Ўқувчиларни тарбия муассасаларига тўлиқ жалб қилиш, мактабдан, маҳалладан ажралиб, назоратсиз қолган ёшларимиз тарбияси билан жиддий шуғулланмасак, яна уларни бой бериб қўймасмиканмиз?

Атлас НИЗОМОВ,
Бектемир туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги:

- Бугунги кун милицияси нафақат жиноятчиликка қарши ёки унинг олдини олиш учун курашаяпти, балки у ахлоқий, экологик, тарбиявий масалаларнинг ҳам тўғри ва оқилона ҳал этилишига ўз улушини қўшаяпти. Мазкур йиғилишнинг ташаббускори бўлганимизнинг асосий боиси ҳам шунда. Чунки бугун ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, ўзидан озод ва обод ватан қолдириш истагида бўлган ҳар бир фуқаро соғлом авлод учун, келажак бунёдкорининг тўкис миллий мафкурага эга бўлиши учун курашмоғи лозим. Биз оила, мактаб, маҳалла ва ҳуқуқ-тартибот органлари, жамғармалар - барчабарчамиз ана шу эзгу мақсад йўлида бирлашишимиз жудажуда зарурдир.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Хотира китобининг темир саҳифалари. Бу рўйхат ўзи билан қанчадан қанча армон, орзу-ҳаваслари олиб кетди. Шу саҳифалардан узоқ ўтмишдаги дўстимни топдим, топдиму, у билан дийдорлашгим келди бугун.

Андижон. Огоҳлик - ҳар куннинг талаби

МАҲАЛЛАМИЗДА ҲАММА ТИНЧ УХЛАЙДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий юксалишининг асоси - юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликдир. Бироқ кўзларимиз кўкариб етган мустақиллигимиз, осуда ҳаётимизга ҳасад билан қараб, тотувлигимизга раҳна солаётган турли хил қўпорувчилик ҳаракатларини уюштираётган диний экстремистлар гапига кириб, одамларни чалғитаётган, инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Бу эса ҳар биримиздан, аввало маҳалла фуқаролар йиғинлари аъзоларидан ҳушёрликни оширишни, ўз ҳудудида ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро қандай яшаяпти, нима билан машғуллигини доимо диққат марказида тутишни тақазо этади.

Маҳалламизда 637 хўжалик, 727 оила бўлиб, уларда 3200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ф.Хўжаев, Муқимий, Сўфичўян, Беруний, А.Қодирий каби беш кўчани бирлаштирган маҳалламизда бир мактаб, бир иқтидорли болалар лицейи ва меҳрибонлик уйи ҳамда болалар боғчаси, «Ватанпарвар» ташкилоти жойлашган. Билим масканлари билан маҳалла ҳамкорлигини яхши йўлга қўйганмиз. Тез-тез мактабларда бўлиб, болаларнинг ўқиши, тарбияси билан қизиқиб турамиз, тадбирларда иштирок этамиз, ўз навбатида маҳаллада ўтадиган тадбирларда ҳам улар фаол қатнашадилар.

Ҳудудимизда тунги қоровуллик ташкил қилинган бўлиб, маҳалла посбони Ислом Бўронов бошчилигида Комил Очилов, Илҳом Адизов каби довюрак йигитларимиз кўча ва хонадонларни бот-бот айланиб, назорат қилиб турадилар.

Хотин-қизлар кенгаши раиси Мукаррам Юсупова бошчилигида Холида Ҳакимова, Нодира Розиқова, Жамила Бақоева, Земфира Доутова сингари фаол аёлларимиз хотин-қизлар, ёшлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турадилар, оилаларни огоҳликка, аҳил-иноқликка даъват этадилар. Уч-тўрт келин билан тинч-тотув яшаётган Райҳон Ҳамидова, Сангин Давроновадай олийжаноб қайноналарни ибрат қилиб кўрсатадилар.

Маҳалламизда «Огоҳлик - давр талаби» мавзуида йиғилишлар тез-тез бўлиб турибди. Унда туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, туман прокурори, участка нозири, оқсоқоллар таклиф этилиб, қизғин суҳбатлар бўлмоқда.

Хуллас, ишларимизнинг мазмун-моҳияти, фаолиятимиз бош йўналиши ҳудудимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашга, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмасликка, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Юртбошимиз маҳаллалар роли ва мавқеини ошириш учун беқиёс ғамхўрликлар қилаётган эканлар, биз бунга амалий ишларимиз билан жавоб берамиз.

Халима АББОСОВА,
Риждувон шаҳар Ф.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Ҳаж таассуротлари

ҲОЖИЛИК ОЛИЙ НЕЪМАТ

Ушбу йилда юртдошларимизнинг Ҳаж зиёрати масъулияти кўп томондан маҳаллалар зиммасига юклатилди. Хўш, бу қандай самара берди.

Бу йил Ҳаж зиёратини амалга оширган қарийб 3 миллиондан зиёд аҳли мусулмон орасида 4043 нафари ўзбекистонлик мусулмонлар бўлгани кишида алоҳида фахр туйғуларини уйғотади.

Мана икки йилдирки, муборак зиёратга борувчилар рўйхатини тузиш ва бошқа ташкилий масалалар бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрига топширилди.

Ташкилий ишлар ҳар томонлама пухта уюштирилганлиги ҳар қадамда кўриниб турди. Бунда «Қаноат» мувофиқлаштириш маркази фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз деб биламан.

Келажакда Ҳаж сафарини бунданда яхши ташкил этиш юзасидан баъзи тажриба-тадориклар бўйича айрим мулоҳазаларни юритмоқчи эдим.

Авваламбор Ҳаж зиёратига отланган «номзод»лар ҳақида. Маълумки жаноби пайғамбаримизнинг «Ҳаж машаққатдир», «Сафар азобнинг бир парчасидир!» деган ҳадислари бор. Лекин баъзи ўринларда аҳли мусулмонларимизнинг муборак сафарга руҳан, жисмонан тўлақонли тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди. Транспортда, самолётда, қўйинг-чи, оммавий тарзда бир жойдан бошқа жойга кўчиш кезларида сабрсизлик, ишчи гуруҳга итоатсизлик ҳоллари кузатилди. Бундан ташқари сафарга чоғланган ҳамюртларимиз ўз саломатликлари борасида ҳам алоҳида қайғурмоқлари лозим экан. Чунки саломатлиги тақозосига кўра Ҳаж фарзларининг асосий амалларини бажара олмай, меҳмонхонадан чиқолмай қолган қарияларимиз ҳам бўлди. Шунингдек, элликбошиларни танлашда керак бўлса тест синовларини жорий қилиш зарур. Тошкент аэропортида Ўзбекистон диний идораси томонидан тайёрланган Ҳаж ибодати ҳақидаги қўлланма китобчаси ҳар бўлажак ҳожининг қўлига тутқазилди. Ўйлашимча, бу қўлланмани вақтлироқ тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари Ҳаж зиёрати мавсумида бир-икки ой аввал вилоятлардаги ишчи гуруҳлар томонидан махсус ўқув курслари ташкил қилинса ҳам яхши бўларди. Ҳаж зиёрати вақтида баъзи мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон ҳожилари ҳам республика байроғи туширилган махсус либослар билан таъминланса.

Бу йил Саудия Арабистонидаги «Ал-Марва Саёҳат ва туризм» муассасаси ҳар бир ҳожига республикамиз диний қўмитаси раҳбари ҳамда мусулмонлар диний идорамиз раиси, муфтий жанобларининг имзолари чекилган ҳожилик шаҳодатномасини топширишди.

Неъматилла АБДУЛЛАЕВ,
«Ҳаж-2000» Республика комиссияси ишчи гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раисининг ўринбосари.

Декларация, декларация, декларация...

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Мана, учинчи йилдирки, асосий иш жойидан ташқари бўлган манбалардан даромад олган жисмоний шахслар ҳар йилнинг биринчи чорагидаёқ солиқ идорасига даромадлари ҳақида декларация топширишлари мажбуриятга айланиб қолди.

Бинобарин, қонунчилигимизда даромад олинган ҳар бир маблағдан солиқ олиниши қатъий қилиб белгиланган экан, 1 апрель санасига ортиқча ҳазил ёки беписандлик билан қарашликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Декларацияни кимлар топширади, бундан мақсад-муддао нима эканлигига шарҳ бериш учун Зангиота туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиқ муовини Тўлқинжон ЖЎРАБОЕВга мурожаат этдик.

- Декларация топшириш тадбири қайси қонун ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади ва уни кимлар топширади?

- 1997 йилдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 62-моддасида «Асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача кечиктирмай жами йиллик даромади ҳақида декларация тақдим этади», деб ёзилган. Демак, ана шу кодекса асосан асосий иш жойидан ташқаридаги манбалардан даромад олганлар юқорида номи келтирилган маълумотнома ҳужжатини ўз маҳаллий солиқ идораларига тақдим этадилар. Бу тоифа фуқароларнинг аниқ рўйхати Кодексда батафсил кўрсатилган. Хусусан, асосий жойда ишлаб туриб, якка тартибда тадбиркорлик қилганлар, дўконга мол топширган, ўриндошлик ёки 0,5 ставка бўйича қўшимча иш жойида фаолият кўрсатганлар даромадлари ҳақида маълумот беришга мажбурлар.

Декларация топширишдан асосий мақсад - солиққа тортилмай қолган даромадни тўғри, қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишдир. Фикримизни қуйидагича шарҳлаш мумкин: масалан, ўриндошлик иш жойидаги бухгалтерия фуқаро даромадини тўлиқ солиққа тортади, лекин унинг асосий иш жойидаги ёки яна бошқа қўшимча фаолиятдан олган даромадлари умумий тарзда қўшилса фарқли рақамлар чиқиб қолиши мумкин. Декларацияда ана шу кўп ёки кам ушлаб қолинган солиқ маблағи юзага «қалқиб» чиқади.

- Республикамиз аҳолисининг аксарият қисми ҳовлиларда, ҳатто кўп қаватли уйларда яшаб туриб ҳам томорқасида кўкат етиштиради, товуқ боқиб тухум олади. Ана шу томорқадан кўрилган даромад декларацияда кўрсатилиши шартми?

- Фуқароларимиздаги тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, қолаверса, оила бюджетини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳовлида етиштирилган маҳсулотлардан кўрилган даромадлар даромад солиғига тортилмайди. Чунки бундай оилалар ўз эҳтиёжидан ортиб қолган маҳсулотларини жуда оз миқдорда сотувга чиқаришади, бу билан истеъмолчилар талабини қондиришади ҳамда «кичик бюджет»ни қувватлашади. Шунинг учун бу даромадлар декларацияда кўрсатилмайди.

- Кўп ҳолларда декларация топширган солиқ тўловчи аввалги йилда солиғи кам ушланган қарздор шахс бўлиб чиқади ҳамда бу маблағни 1 июнгача кечиктирмасдан бюджетга тўлаб қўйиши талаб қилинади. Бу маблағни нақдсиз тўлаш йўли борми?

- Йўли бор. Бунинг учун фуқаронинг асосий иш жойи шу қўшимча ҳисоблаб чиқилган қийматни тегишли Давлат солиқ инспекциясига тўлаб қўйиб, бу маблағ қийматини ходимнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиши мумкин. Лекин иш фаолиятимиздан маълумки, декларация топширилганда, бюджетдан жисмоний шахс эмас, балки аксинча, бюджет фуқародан қарздор бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Ана шу вазиятда орадаги фарқ жисмоний шахсга қайтариб берилади ёки аксарият ҳолатларда, биз амалда қўллаётганимиздек, ушбу маблағ қиймати жисмоний шахснинг бошқа турдаги солиқлари - масалан, мол-мулк солиғи, ер солиғидан бўлган мажбуриятларини қоплаш учун ўтказилиши мумкин.

- Даромад солиғини тўлашда имтиёз билан енгилликларга эга бўлган фуқаролар тоифаси ҳам борми?

- I ва II гуруҳ ногиронлари, Қаҳрамон оналар, 10 ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар, афғон ва бошқа жанговар жангларда бўлганлар, икки ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар, икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва эркаклар даромад солиғини тўлашда имтиёзга эгалар. Дарвоқе, юқоридаги рўйхатни яна давом эттириш мумкин. У Солиқ кодексининг «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан озод қилиш» номли 59-моддасида батафсил келтирилган.

- Жисмоний шахс Давлат солиқ инспекциясига декларацияси билан ташриф буюргандан кейин идора ходими аллақандай ёзув ва рақамларни қайд этиб, ҳисоблаб, фуқарога қарздорлиги ҳақида маълум қилади. Айтинг-чи, ана шу ҳисоб-китоб мутлақ тўғрилигига фуқаро қай йўсинда ишонч ҳосил қилиши мумкин. Умуман, ҳисоб-китоб жараёнига жисмоний шахс аралашса бўладими?

- Бўладими эмас, бу жараёнга фуқаронинг аралашиши шарт. Чунки ҳар бир солиқ тўловчи қанча миқдорда, нима учун ҳамёнидан пул тўлаётганини билиши, бу ўз ҳаққини талаб қилишидир. Ҳисоб-китоб усули солиқ идораси ходимидан сўраб олинса, мутахассисларимиз фуқароларга бу ҳақда бажонидил маълумот беришади. Қолаверса, матбуотда даромад солиғининг шкаласи эълон қилинди, идорамиз ходимлари маҳаллакўйда бўладиган ҳар бир учрашувда бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишади. Ана шу амалий суҳбатларда уялмаслик, қизиқтирган саволларни қатъий бераверишлозим, деб ўйлайман.

Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.

Бу бозорлар қадим бозорлар

Бозор шаҳар мавжудлигининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Ҳофиз Таниш Бухорий бу даврда Бухоро хонлиги тахтида ўтирган ҳукмдор Абдуллахон II даврида пойтахт шаҳарда бозорлар гавжумлашиб, янгидан бир қанча бозорлар, карвонсаройлар қурилгани ҳақида маълумот беради.

Бозор ўрта аср шаҳарларининг кўрки эди. Бу ерда турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи шаҳарликларни ҳам, қишлоқ ва дашт аҳолисини ҳам узоқ ва яқин мамлакатлардан Марказий Осиё шаҳарларига келган савдогарларни ҳам учратиш мумкин эди. Бинобарин, XIX асрда Бухорода бўлган венгер олими Вамбери шаҳар «...бозорлари ўзга юртликнинг нигоҳида у ердаги халқлар, кийимлар, урф-одатларнинг турли-туманлиги билан кўзни қамаштиradиган манзара очади»,- деган эди.

Бухоро шаҳрида кўпгина бозор турлари бўлган. Жумладан, уларда оқ мато билан савдо қилувчи «сафидфурушлар бозори», «тақиядўзлар бозори», кийим-бош турлари билан савдо қилувчи «жомафурушлар бозори», темир буюмлар бозори, ошпазлар бозорини учратиш мумкин эди. Эчки терисидан тикилган этиклар бозори, ун, сули ва жўхори бозори, кўмир бозори, тухум бозори ҳам бўлган.

XIX асрда Самарқандда тут барги танқислигидан ипак қурти боқувчилар тут баргини шу ердан сотиб олганлар. Шаҳардаги Шердор мадрасаси ёнидаги кўчат бозорида эса бошқа дарахтлар билан бир қаторда тут дарахтининг «балхий» ва «хоразмий» навлари катта миқдорда сотилган.

Ипакчилик билан шуғулланувчи ҳудудлардаги шаҳар бозорларида мавсуми келганда ипак қурти уруғи билан савдо амалга оширилган. Қўқонда ва Хивада ҳам ўша даврда «пилла бозори» номи билан машҳур бозорлар бўлган.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Дунё... дунё... дунё...

КОМПЬЮТЕР ЙЎҚОЛДИ

АҚШ

Федерал қидирув бюроси ҳамда давлат департаментининг дипломатик хавфсизлик бошқармаси яна бир кўнгилсиз ҳодисага дуч келди. Бу ғал ўта муҳим махфий ҳужжатлар сақланаётган компьютер йўқолди. Ушбу ҳодисанинг ҳақиқатан ҳам рўй берганини департамент расмий вакили Жеймс Рубин тасдиқлади.

ТЕМИР-ТЕРСАК ОРАСИДА МИНАЛАР

Афғонистон

Афғонистоннинг Бадахшон вилоятидаги темир-терсак омборида кучли портлаш юз берди. Оқибатда олти киши ҳалок бўлган, 13 киши жароҳатланган. Хабарда айтилишича, фожеа одамлар металлни машинага юклаётган пайтда юз берган. Ишчилар темир-терсак орасида танкларга қарши ишлатиладиган мина борлигини билмай, эҳтиётсизлик қилган экан.

ҲАРБИЙЛАР УЧУН ТАҚИҚЛОВ

Чехия

Чехия қуролли кучлари хизматчиларига кўчма телефонлардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Чехия армияси қўмондонлигидан маълум қилинишича, бу чора махфий хабарларнинг ташқарига чиқиб кетмаслиги учун қўлланилмоқда. Эндиликда ушбу қоидани бузган ҳарбий маъмурий жазога тортилади, оғирроқ ҳолларда эса ҳатто ҳарбий трибуналга берилиши ҳам мумкин.

Ҳиндистон «маҳалла»ларида

ТУТҚУНЛАР ОЗОД БЎЛДИ

Озарбойжон

Халқаро қизил хоч қўмитаси кўмаги билан озарбойжонлик икки нафар ҳарбий тутқунликдан озод қилинди. Улар қарийб бир ярим йилдан буён Арманистон томонида ушлаб турилган эди.

Қўмита вакилининг айтишича, Арманистонда озарбойжонлик яна 11 нафар ҳарбийни ушлаб турибди. Расмий Боку эса Қорабоқ можороси туфайли Арманистон томони 783 кишини тутқунликда сақлаб турганини маълум қилиб, уларнинг кўпчилиги болалар, аёллар ва қариялар эканини айтмоқда.

КЛИНТОН МОСКВАГА КЕЛАДИ

Нью-Йорк

Шу йил 4-5 июн кунлари АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Москвага ташрифи бўлиб ўтади. Оқ уй расмий вакили Жо Локҳарт журналистларга шуни маълум қилди.

Ташриф чоғида Б.Клинтон Россиянинг янги президенти Владимир Путин ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказади. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий алоқалар хусусида фикр алмашилади.

УНИТА ЖАНГАРИЛАРИ САБАБЧИ

Виндхук

УНИТА жангарилари Намибиянинг шимоли ҳудудларига ҳужум уюштириши оқибатида олти киши ҳалок бўлди ва ўнга яқин одам яраланди.

Сўнгги вақтларда УНИТА жангарилари Намибия ҳудудига тез- тез ўтиб, хунрезлик қилмоқда. Бунга Намибия УНИТАга қарши курашда Ангола ҳукуматига ёрдам бериб келаётгани сабаб бўляпти.

КЎК ЧОЙ ХОЛЕСТЕРОЛНИ ҲАЙДАЙДИ

Маълумки, кўк чойни ҳамма ҳам ёқтиравермайди.

Айрим кишилар «совуғимни ошириб юборади» деб уни ичишни хуш кўрмайдилар. Аслида-чи? Аслида бу чой ажойиб шифобахшлик фазилатига эга бўлиб, баъзи касалликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Санган олимлари бу ҳузурбахш ичимликнинг янги фазилатини кашф қилишди. Гап кўк чойнинг қондаги холестерол миқдорини 25 фоиз камайтиришдек ажойиб қобилияти ҳақида бормоқда. Ҳолбуки, холестерол юрак-қон томирлари касалликларини келтириб чиқарувчи асосий омиллардандир.

Санган университети тадқиқотчилари организмдан холестеролни ҳайдаб чиқаришга ёрдам берувчи фаол ингредиентни чой япроғидек ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Ўз кашфиётларидан руҳланиб кетган хитойлик олимлар мазкур ингредиент самарадорлиги жиҳатидан бошқа барча маълум дорилардан устун келади, деб таъкидлашмоқда.

«МИЯГА ЗАРБ»НИНГ АЙБДОРЛАРИ

Берлиндаги Макс Дельбрюк номидаги молекуляр медицина маркази олимлари фалаж (инсульт) касаллигини келтириб чиқарувчи генларнинг мавжудлигини илк бор исботлашга муваффақ бўлдилар.

Германия, АҚШ ва Италиянинг бир гуруҳ олимлари «мияга зарб»нинг айбдорлари биринчи, тўртинчи ва бешинчи хромосомаларда жойлашганлигини аниқладилар. Бунда биринчи ген фалаж (инсульт)нинг юзага келишига ёрдам беради, бошқа иккитаси эса унинг пайдо бўлишини камайтиради.

Энди тадқиқотчилар бу икки муҳим бўғин одамнинг хромосомалар йиғиндисининг қайси ерида жойлашганлигини аниқлаш ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олдилар. Бу касалликнинг пайдо бўлишини олдиндан айтиб беришга, профилактика чораларини кўришга ва фалажни даволашга ёрдам қилади.

Молекуляр медицина марказида ўтган махсус матбуот конференциясида биргина Германиянинг ўзида ҳар йили 200 минг марта фалажга чалиниш ҳоллари юз бераётганлиги қайд этилди. Кўп ҳолларда «мияга зарб» ўлим фожеаси билан тугайди ёки одамни бир умрга ногирон қилиб қўяди. Эндиликда тадқиқотчилар исботлашганидек, фалаж касалига дучор бўлишда ирсиятдан ташқари нотўғри овқатланиш, чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш ҳам фалокатли роль ўйнар экан.

СОЧИ ТЎКИЛАЁТГАНЛАРГА ВАЛИДОЛ КЕРАК

Женево университети тиббиётчилари қизиқ тадқиқот ўтказдилар.

Маълум бўлишича, эркакларнинг барвақт (35 ёшгача) тепакал бўлиб қолишлари уларнинг юрак-қон тизимининг касалликка чалиниб қолиш хавфи борлигидан гувоҳлик берар экан.

35 ёшдан 83 ёшгача бўлган 25 минг нафар эркакларни тадқиқ қилган олимлар худди ана шундай хулосага келдилар.

Сочлари тўкилиб кетган ва эндигина тўкила бошлаган эркакларда юрак касаллиги сочлари қуюқ эркакларга қараганда 3,5 марта кўп учрар экан. Бунга организмда модда алмашинувининг умумий бузилиши сабаб бўлади, деган хулосага келинмоқда. Бу ҳол гормонал номутаносибликка олиб келади, у эса ўз навбатида тепакалликнинг кучайишига, шунингдек, юрак фаолиятига таъсир кўрсатади. Оқибатда валидол (юрак дориси)ни ичишга эҳтиёж кучаяди.

СИРЛИ ЧАҚАЛОҚ

Бундан бир неча йил аввал Никарагуада сирли чақалоқ туғилганлиги ҳақидаги гап-сўзлар кўпчиликнинг оғзидан тушмай қолганди.

Эр-хотин Декастролар оиласида туғилган иккинчи фарзанднинг елкасида тангадек антиқа ҳоли бор эди. Ҳолда харитага ўхшаш чизиқлар кўринади. Ночор кун кечираётган эр-хотин бу сирли ҳолни кўриб ажабланишди. Кейин улар ҳолдаги чизиқларни катталаштириб қоғозга чизиб кўришса, уй-ҳовлиларининг тасвири экан. Ундаги чизиқлар бўйича ҳовли бурчагини ковлаб кўришганда, митти сандиқчада тўла ёқут, зумрад ва тиллалар чиқди. Топилманинг муайян қисми давлат фойдасига ўтказилгач, эр-хотинга уч миллион миқдорида фойда тегди. Шундай қилиб, бу ночор хонадон чақалоқдаги сирли ҳол туфайли миллионер оилага айланиб қолганди.

Тўпловчи: А.ОТАМЕТОВ.

Сўранг, билиб олинг

- 1994 йил 30 апрелдан буён I гуруҳ ногиронман. Шу вақтдан буён менга қизим қараб келади. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Менга қараган даври иш стажига киradими?

Ҳ.СОЛИЕВ.
Зарбдор тумани.

- Ҳа, киради. I гуруҳ ногиронига ёки ўн олти ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (тиббий муассасанинг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туриш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

***

- Ишга қабул қилишда синов муддати қонунда 3 ой қилиб белгиланган экан. Ушбу муддатни тўлиқ ўташ керакми ёки уни қисқартирса ҳам бўладими?

Н.ҲАМИДОВ.
Вобкент тумани.

- Ходимни ишга қабул қилишда корхона раҳбари унинг шахсий хислатлари, шунингдек, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда синов муддатини қонунда белгиланганидан қисқароқ қилиб белгилаши мумкин.

***

- Мен республикамизда чиқаётган газеталарга бир масала юзасидан бир неча марта хат орқали мурожаат этдим. Лекин ҳанузгача улар менинг саволларимни оқибатсиз қолдиришмоқда. Бу масала юзасидан қаерга мурожаат этсам бўлади?

Н.САЛИМОВА.
Қамаши тумани.

- Оммавий ахборот воситалари фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, ҳал этувчи, улар юзасидан бирон-бир қарор қилувчи орган эмас. Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун фойдаланади. Шунингдек, мурожаатлар юзасидан лозим топилса, журналистик текширув ўтказилиши мумкин. Шунингдек, шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли идораларга тақдим этади.

***

- Яқинда корхонамизда ходимлар штати қисқартирилиши муносабати билан кўпчилик ходимлар ишсиз қолди. Мен ҳам шулар жумласиданман. Лекин бизнинг яна икки ойлик иш ҳақимиз сақланиб қолди. Кейин кимдир яна қандайдир нафақа тўланиши керак, деб қолди. Бу қандай нафақа, у бизларга ҳам тўланиши керакми?

Қ.РАИМОВ.
Бувайда тумани.

- Бу нафақа сизни ижтимоий ҳимоялаш тарзидан тўланадиган ишдан бўшатиш нафақасидир. Ушбу нафақа сизга иш қидириш даври учун тўланадиган икки ойлик иш ҳақингизга қўшиб тўланади.

Агар сиз корхонангиз билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган пайтдан бошлаб ўн кун ичида маҳаллий меҳнат органига мурожаат этиб, иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтсангиз, меҳнат органи берган маълумотномага асосан олдинги иш жойингиздан учинчи ой учун ҳам ўртача ойлик иш ҳақи олишингиз мумкин.

***

- Мени бир нарса қизиқтиради: йиллик меҳнат таътилини иккига бўлиб олиш мумкинми?

Ш.МУРОДОВА.
Қарши шаҳри.

- Мумкин. Бунинг учун сиз ёзма равишда корхона ёки ташкилотингиз раҳбарига меҳнат таътилини қисмларга бўлиб беришини сўраб мурожаат этишингиз лозим.

Бунда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

***

- Газетанинг ўтган сонларидан бирида даромадга солинадиган солиқ тўғрисида айтиб ўтилган эди. Мен 30 йил ишркат хўжалигида ишладим. 1997 йили эса пенсияга чиқдим. Пенсиямни ойма-ой олиб турибман. Лекин бир нарсага тушунмай турибман. Бир сафар пенсия 100 сўм, бир сафар 150-200 сўм кам келади. Почтачи йигитдан сўрасам, солиқ ўзи шунақа дейди. Нима солиқ ўзгарувчанми?

Д.ОРИФЖОНОВ.
Боғдод тумани.

- Йўқ, солиқ ўзгарувчан эмас, унинг қонунда белгиланган аниқ миқдорлари бор. У даромадга қараб ундирилади.

Сиз олаётган нафақа эса солиқ солинадиган даромад ҳисобига умуман кирмайди, яъни ижтимоий таъминот бўйича нафақаларга умуман солиқ солинмайди.

Саволларга ҳуқуқшунос Д. ХАЛИЛОВ жавоб берди.

Суратка альбомидан

Орол.
1966 йил. Балиқ овлаш.
Ҳозир бу ерда қумлар учиб юрибди.
А. Ванштейн олган сурат.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

Қўй (21.03-21.04). Ҳаёт доимо қувончу шодликлардан иборат эмас. Илгариги ҳафта ютуқларингиз ва хуш кайфиятингизга душанба ва сешанба кунлари рўй берадиган кўнгилсизликлар пича соя ташлаган бўлса-да, бундан сўнг аҳвол дарҳол яхши томонга ўзгаради. Омад сиз томонда бўлади.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафтанинг дастлабки уч кунида хушхабарлар эшитганингизни инобатга олмаганда, кайфиятингизни кўтарадиган бирон жиддий воқеа рўй бермайди. Пайшанба куни ҳамёнингиз пулга тўлади. Қолган кунларда муваффақиятли битимлар тузасиз, хордиқ чиқарасиз.

Эгизаклар (22.05-21.06). Қаломни яхши кайфиятдан бошлайлик. Яхши ният билан бошланган ишларингиз ўнгидан келади, маблағингизга маблағ қўшилади. Фақат ҳафта давомида таваккалчилик қилишдан ўзингизни тийишингиз, сиҳат-саломатлигингиз хусусида қайғуришингиз муҳим. Якшанбани оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Ҳафта сиз учун ёмон ўтмайди. Пайшанба ва жума кунлари ҳамёнингиз мўмай даромад кўради. Шундай бўлгач, жума куни кўнглингизга мос харидлар қиласиз ва якшанба куни хушкайфият билан дам оласиз. Фақат чоршанба куни сиз учун унчалик муваффақиятли кун бўлмайди.

Арслон (23.07-22.08). Чоршанба кунида пулингиз анча кўпайиб қолишидан умидвор бўлишга ҳақлисиз. Пайшанба куни яхши харидлар қиласиз. Ушбу ҳафтада сиз учун жуда яхши эзгуликлар келтирадиган хушхабарлар эшитасиз.

Паризод (23.08-22.09). Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деганларидек, ҳафтанинг дастлабки икки кунида ҳам тақдир сизнинг бардошингизни яна бир бора синовдан ўтказишга жазм қилади. Бу ҳолат мазкур ҳафтанинг жума кунига қадар давом этади. Шундан кейин яхши кунлар бошланади. Барча ишларингизни ана шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда режалаштиришингиз маъқул бўлади.

Тарози (23.09-22.10). Пайшанбада пулингизга пул қўшилади. Ҳафта ниҳоясида қўшалоқ кун муҳаббат бобида қулай.

Чаён (23.10-22.11). Ушбу бурж остида таваллуд топганларга юлдузлар қуйидагиларни ваъда этмоқда. Чоршанба можароли ҳолатларга тушиб қолишдан сақланинг. Пайшанба пул тушадиган кун. Жума барча хайрли ишлар учун мақбул кун. Шанбада яхши хабарлар эшитасиз. Якшанба дам олиш учун қулай кун.

Ўқотар (23.11-21-12). Ҳафта сиз учун муваффақиятли - амалий учрашувлар билан бошланди. Шунингдек, жума ва якшанба ҳам яхши кунлар. Чоршанба, пайшанба ва жума кунлари эҳтиёт бўлиб юрганингиз маъқул.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Аёнки, ҳафтанинг дастлабки кунлари сиз учун омадли бўлди. Чоршанба куни яхшигина даромадга эга бўласиз. Пайшанба куни хушхабар эшитасиз. Жума куни хайрли кун. Шанба дам олишга, якшанба харид қилишга қулай.

Қовға (20.01-18.02). Пайшанба кунига қадар ишларингиз ўнгидан келади. Пайшанба ва жума кунлари можароли вазиятга тушиб қолишдан огоҳ бўлинг. Шанба амалий учрашувлар ўтказиш учун қулай.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафта унчалик кўнгилли бошланмаганидан унчалик ранжиманг. Қолган кунлар аъло даражада бўлади. Хусусан, пайшанба ва жума кунларини айтмайсизми? Айнан ана шу кунларда ҳамёнингиз жарақ-жарақ пул кўради. Ҳафта эса қутлуғ кун билан якун топади.

Яхшилар гулшани

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

10. КИМКИ НОЧОРНИ СИЙЛАСА...

Бойвачча божа камбағал божасини тўйига айтмади. Бола-чақаси билан бориб, ҳамманинг олдида обрўйимни тўкмасин, деб тайин қилди яна.

Бугунги ўтиш даврининг қийинчиликларига дуч келган замондошларимиз кўпроқ шукроналик билан, «Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади» деб эзгуликдан умидвор бўлиб кун кечиришаяпти.

Айрим пулни-пул билан ўйнаётганлар бўлса: «У қиммат, бу қиммат, даромаднинг мазаси йўқ, ҳеч ким бир-бирига ёрдам беролмайди, одамларда меҳр-оқибат йўқ бўлиб кетаяпти...» деб нолийдилар. Шундайларда шахсан: «Эй, мусулмон, ўзинг кимга, қанақа оқибат қилдинг? Қўшнингникига бир коса таом чиқардингми, эшигингни тагини супуриб қўйдингми, деб сўрасангиз: «Буни супурадиганлар бор, уларга пул тўланади», деб оғзини кўпиртириб гапиради.

Кези келганда бир воқеани айтиб ўтайлик. Яқин ўтган замонда, қатағон йилларида бир бой-бадавлат киши қишлоқда катта тўй қилади. Уч кунгача тўй-тантана тўхтамабди. Икки кун улоқ пойгаси бўлган. Энди шу тўй қилаётганнинг Тошкентда божаси тураркан. Серфарзанд, бечораҳол инсон экан. Тўй қилган киши шу божаси ёнида яшайдиган бир бойвачча ўртоғини тўйга айтибдию, камбағал божасини, қайнисинглисининг оиласини тўйга айтмабди. Буниси ҳам майли-я, ҳалиги бойвачча қўшнисига айтиб кетибдики, «Божамга айтиб қўйинг, мени шарманда қилиб, болаларини чувиллаштириб тўйимга борip юрмасин» дебди. Бечора божаси болалари «Тўйга борамиз, бир мазза қилиб келамиз» деб севинишиб ўтирган экан, бу гапдан кейин боришмабди. Йиғи-сиғи қилиб қолавершибди. Орадан бир неча йил ўтибди. Сиёсатлар ўзгариб, ҳалиги катта бир мансабдаги, бой-бадавлат одам «халқ душмани» деб Сибирга сургун қилинибди. Аёли ҳам турмушга чиқиб кетибди. Болачақа қолмаган, уй-жойлари мусодара бўлган. Яна аллақанча вақт ўтгандан кейин ҳалиги бой божа Сибирда, қамоқхоналарда не азобларни чекиб, қутулиб келибди. Келса на уй-жой, на болачақа бор. Келиб, Тошкентдаги ўша тўйга айтишга лойиқ кўрмаган божасининг уйини тақиллатибди. Борар ери йўқ-да. Божаси эшикни очибди, аҳволни тушуниб, «Келинг, - дебди, - мана биз билан яшайверинг, нима есак шуни ейсиз, нима ичсак шуни ичасиз», - деб уйига қабул қилибди. Ўзи бир жойда гўлах бўлиб ишларкан. Ҳалиги қамалиб келган божасини ҳам ишга олиб кириб қўйибди. Лекин божасини виждон азоби кемириб, бу кулфатларни четлаб ўтолмай, лаҳза кунда қазо қилибди. Қанча пулларни улоқларнинг устидан сочган, уч-тўрт кунлаб тўй берган, машшоқу-раққосаларга пул совурган одамни этак тутиб кўмишибди. Божасида маблағ бўлмаганда. Демоқчимизки, манмансираётган бирodарлар, ўйлаб иш қилинг. Оёқ остига қараб қўйинг. Ҳадеб осмонларда учиб юраверманг. Биз ким бўлишимиздан қатъий назар ерга кирамиз. Осмонга учиб кетмаймиз.

Ҳа, «Манманлик Эгамга» деб бежиз айтмайдилар. Тошкентда ҳам, бошқа вилоятларда ҳам меҳрибонлик уйлари, ногиронлар санаторийлари, майиблар шифохоналари бор. У ерда ишлайдиган шифокорлардан, энагалардан сўраймиз, бадавлат одамлар тез-тез келиб, бирор бир совға-салом бериб туришадими? - деб. «Жуда кам, лекин давлатимиз бор бўлсин, Президентимиз омон бўлсинлар муттасил йўқлаб туришади. Оддий, одми одамлар тез-тез химмат кўрсатиб туришади. Ахир ўша тўйларда сочилган долларнинг биттаси «майдаланса» қанча боланинг мурғак қалбини қувончга тўлдиради.

Етимнинг кўнглини олиш йўллари кўп. Ота-онасиз болаларни қурби етган одамлар олиб келиб, боқиб, катта қилса, унга бегоналигини билдирмасдан ўстириб, тарбия этса, ниҳоятда улуғ савобларга доҳил бўлади. Етим-есир, фақир-мискинлар ҳолидан хабар олмоқлик эса доимий ва мунтазам бўлиши керак. Бу савоб ишда, қачон борсам экан, кимга нима атасам экан, деб ўтирмай, қурби бор бўлиши биланоқ мурувват кўрсатавериш керак.

Қиёмат кунида жаннат билан дўзах кўрсатиб турилар экан. Аллоҳ бу дунёда майиб-мажруҳ бўлган, қўли оёқлари ишламаган, кўзи ожиз ёки заиф бандаларни, етим-есирларни жаннат олдига олиб келиб: «Э, бандаларим, сизларни аллақанчаларингизни мажруҳ қилиб яратдим. Баъзиларингизга ақл бермадим, кўриш, эшитиш, ҳаракатланиш неъматларидан бебаҳра қилдим. Негаки, ақли бутун, тани-жони соғларни имтиҳон қилиш учун яратган бўлсам, сизлар азобда, ҳаёт нима эканини билмай ўтдиларингиз. Шундай қилсам-да менга шукроналар айтиб, тоат, ибодатда бўлдингиз. Сабр қилдингиз. Бугун биринчилардан бўлиб жаннатимга кирасиз. Мендан рози бўлинглар. Мана энди тани-жонингиз соғ, аъзоларингиз бут, жаннатимга кирасиз. Аммо, мени битта дуо қилинглар, шу дуоларингизни мустажо қилайин», - деркан. Шунда ҳалиги бу дунёда майиб-мажруҳ бўлганлар, ногиронлар, ақли заифлар, мажнунлар, етим-есирлар йиғлаб туриб, «Ё раббим, биз ожиз бир бандаларнинг қаторида зорланиб юрганимизда бизга едирганлар, ичирганлар, кийдирганлар бўлган эди. Уй-жой қилиб берганлар бор эди», - десалар, ақли заифлар айтаркан, «Биз ота-онамизга хизмат қила олмадик, уларга ғам-ташвишдан бўлак ҳеч нарса тутитмадик, шунга қарамасдан ота-оналаримиз бизни боқишди, ана шуларни аввал жаннатга равона этсанг, бўлмаса биз жаннатга кирмаймиз», - деб туриб олишар экан.

Кўрдингизми азизлар, анча-мунча гуноҳи бўлганлар ҳам етим-есир, майиб-мажруҳнинг ҳолидан хабар олиб турса, фақиру мискинга мурувват қилса, Аллоҳ махфират айлар экан.

Ишонинг, ишонманг

ШАҲАРЛИК МЕЗБОН МЕҲМОНГА ҲАР КУНИ БИТТАДАН «ҚЎЙ СЎЙДИ»

Кутилмаганда шаҳарда яшовчи Турсунбойнинг уйига тоғли қишлоқдан Тантибой ака болалари билан меҳмонга келди. Турсунбой ўзини йўқотиб қўйди. Чунки... Турсунбой ўтган йили дўсти Салимбой билан унинг қишлоғида меҳмон бўлган, ўшанда Тантибой ака уларнинг шарафига катта қўчқор сўйганди.

- Ука, меҳмон туққанингдан азиз. Бизда таомил шундай. Бекорга мени Тантибой демайдилар. Ишим ҳамиша исмимга монанд. Шаҳарда эса меҳмон келса, бозорга югуришади, - деб ҳамқишлоқлари олдида керилган эди Тантибой.

Гапини бировга бермайдиган, ўзини ерга уришга қўймайдиган Турсунбой ҳам ўшанда катта гапириб юборган эди.

- Тантибой ака, беш қўл баробар эмас. Ҳамма шаҳарлик ҳам бир хил эмас. Агар бизникига меҳмонга борсангиз, шаҳарлик бўлсам ҳам кунига битта қўй сўяман. Шундай қилмасам, номард бўламан, - деб қасам ҳам ичиб юборганди. Ўшанда Тантибой ака унинг бу гапи ишончсиз эканлигига шаъма қилиб: «Э, нима деяпсан, шаҳарда-я? Агар Сиз шундай қилсангиз, отимни бошқа қўяман», деганди.

Ана ўша меҳмон келди. Энди нима қилиш керак? Шармандa бўлиш ёмон. Агар айтганини қилмаса, Тантибой аканинг қишлоғида Турсунбой қуруқ деган ном чиқади. У ерга умрбод қадам қўяолмайди, албатта.

Турсунбойнинг миясида минг хил хаёл чарх урарди. Шаънига доғ туширмаслик йўлини изларди. Шунда хотини овқатга гўшт қолмаганини, қўшниси Жалил қассобдан гўшт олиб чиқиш кераклигини айтиб қолди. Миясига лоп этиб зўр фикр келди. Ён қўшниси Жалил қассоб ҳар куни иккита, ҳеч бўлмаса, битта қўй сўярди. «Бу ишини ҳовлимизда қилсачи? Бунинг учун кунига унинг гўштини олишимни ваъда қилсам, йўқ демас».

Турсунбой ҳай-ҳайлаб семиз қўйни олдига солиб, ҳовлисига олиб кирди. Хотин ва болаларни ишга солиб, қўй сўйиш учун зарур бўлган барча ишларни тезда тахт қилди. Уйда ўтирган Тантибой акани чақириб ҳатто фотиҳасини ҳам олди. Жалил қассоб ўз ишини бошлади. Шу тарзда меҳмон «ҳурмати учун» кунига биттадан қўй сўйила бошлади. Орадан тўрт кун ўтгач, Тантибой ака Турсунбойни бағрига босиб, деди:

- Ука, мард, саховатли йигит экансан, шунча кун турдик, айтган сўзингнинг устидан чиқдинг, сенга қуллиқ. Биз қайтамиз. Мен энди отимни бошқа қўяман.

Шаҳарлик шаҳарлик-да. Қишлоқликнинг соддалигидан фойдаланди.

Карим РАҲИМ.

Турмуш деганлари...

Суд қарор қилди

Эр йигитнинг эса шаъни топталди...

Убайдулланинг ғамгин ҳикоясини тинглаяпман. Ерга урса кўкка сакрайдиган йигит ғусса чўккан кўзларини оёғининг учидан ололмайди. Бир гапириб, ўн куладиган йигит атрофига ўн марта аланглаб, кейин бир сўз демайди.

Ахир унинг 15 йиллик оиласи, ширин-шакар тўрт нафар фарзанди, баъзилар ҳавас қилса арзийдиган уй-жойи, яхшигина даромад келтирадиган касб-кори бор эди-ку. Қандай ҳодиса рўй бердики, унинг қаддини дол, кўринишини афтодаҳол этди.

«Биз чинданам яхши яшардик. Ҳамманинг бизга ҳаваси келарди. Хотиним билан ҳам жуда иноқ эдик. Аммо 1997 йилдан бошлаб унинг юришturиши ўзгара бошлади. Ўзига оро бериб кийинадиган, уйдан хоҳлаган вақтда чиқиб кетиб, хоҳлаган вақтда уйга қайтадиган одат чиқарди. «Қаёқда юрибсан, вақт ярим кечадан ошди-ку?!», деган саволларимга «Фалончида ишим бор эди, уйига кеч келди, кутиб қолдим» каби тайинсиз жавоблар олсам-да, кўнглимда унга нисбатан шубҳа-гумон йўқ эди. Кунларнинг бирида уйга жуда ҳам кеч қайтди. Устига-устак, оғзидан келаётган ароқнинг бадбўй ҳидига чидаб бўлмасди. «Ким билан, қаерда ичдинг» деган саволимга, «Менинг касалимга ароқ фойда қиларкан, бронхит астмаси бўлган одам озгина-озгина ароқ ичиб турса, тез тузаларкан» қабилидаги жавобни олдим. Холиданинг касаллиги чин эди. Шунинг учунми уни аяғим келди. Уришмасдан, қаттиқ гапирмасдан, бу иши нотўғрилигини, шундай қилаверса, оқибати хунук бўлишини ётиғи билан тушунтирдим. Хайтовур, гапларим таъсир қилдими, анча вақт уйдан ҳеч қаерга чиқмади. Аммо бир куни «Ўзимга иш топдим, кабобхонада ишласам, кўлимга кунлик иш ҳақимни бераркан», деб қолди. Мен «Майли, уйда сиқилиб кетган-да, ишласа ишлар», дедим.

Бир куни уйга кеч соат 23 ларда қайтди. Кўйлаги ғижим, ҳаяжони ҳеч босилмасди. Кўқисдан кўнглимга шубҳа оралади. Саволларимнинг жавобсиз қолганими, ё ёлғон гапираётгани алам қилдими, билмадим, рашк ўтида ёниб уни роса дўппослабман. Жаҳолатда қаттиқроқ урган эканман, жаг қисми синиб касалхонага тушди. Менга эса каттагина жарима билан 1 йиллик жазо муддати насиб этди. Гарчанд, шу кундан бошлаб, эру хотин ўртасидаги муносабатлар тугаган бўлса-да, азбаройи болаларимиз ҳурмати оилани сақлаб қолишга интилдим. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса, кўймас экан... Бир гал кеч соат бирларда уйга келаётган эдим. Қоронғи кўчада турган машина диққатимни тортди. Яқинроқ бориб қарасам, машина ичида хотиним... Ичимдан вулқон отилай деб турган бўлса ҳам ўзимни босиб, йигитнинг кимлигини, қаерда туришини сўрадим. Ҳар иккаласи бир-бирини анчадан буён танишини, учрашиб туришини айтишди. Хотиним эса «Мен шу йигитни севиб қолдим, тезроқ сиз билан ажрашсам, унга турмушга чиқардим» деди. Мен навбатдаги фожеанинг олдини олиш мақсадида ўзимни аранг босиб уйга кириб кетдим. Сал ўтмай хотиним худди қари қизга эр топилгандек оғзи қулоғида кириб келди. Қувончи ичига сиғмай тинмасдан бидирларди: «Уч хонали квартираси бор экан, ҳозир таъмирлатаяпти, яқинда тугатишади, опаси бозорда савдо қиларкан...»

Тонг отиши билан уни отасининг олдига бошлаб бордим. Бор гапни аввал уларга, кейин ўз яқинларимга очиқ-ойдин айтиб бердим. Сўнгра ишимизни суд кўриб чиқди. Суд қарори билан биз ажрашдик. Энди худди бегоналардек бир-биримиз билан ишимиз йўқ эди. Орадан 6 ойча ўтиб «мени уй рўйхатидан ўчирсангиз» деб келиб қолди. Бирга бориб рўйхатдан ўчириб келдик. У тезроқ бу уйдан кетиш, янги ҳаёт бошлашга ошиқарди. Аммо афсуски, ошиқ йигит уни чув тушириб, ўзи ҳам гумдон бўлганди.

Тўғриси, энди биз бегона бўлсак-да, унга ачиндим. Собиқ хотиним сўлиб-сарғайди. Аҳволи жуда ёмонлашди. Бир унга раҳмим келади, бирда эса...

Ниҳоят, унинг ёш йигитга бўлган севгиси сўнди. Эндиликда яна уй рўйхатига олишни сўраб судга мурожаат қилди. Суд унинг илтимосини қондирди. Мен суднинг қароридан норози бўлиб, не-не эшикларда сарғаймадим. Аммо натижа чиқмади.

Ҳайронман, наҳотки хиёнаткор аёлга биз ҳиммат кўрсатсак. Унинг фарзанди борлиги, ҳасталиги учун вафосизлигини кечирсак. Эртага ҳа демай, бўйи етадиган фарзандларимиз онаси қилган номаъқулчиликларни такрорламаслигига ким кафолат беради...»

У менга исми-шарифимни ҳам тўғри кўрсатинг, дея илтимос қилди. Лекин барибир унинг исмини яширдим. Ҳеч бўлмаса, унинг эркаклик шаънига раҳмим келди.

Дўстим бу хатни менга ўз қўли билан ёзиб берди. Унинг қўлида суд ҳужжатларини кўрдим. Гаплари ҳақиқат. Менинг суд хулосасига қарши чиқишга ҳаққим йўқ. Лекин бир инсонга турмуш ўртоғи хиёнати қалбига берган азоби каммидики, ўша беҳаё хотин энди у яшаётган уйга қайтиб келса. Маҳалла-кўй қандай хулоса чиқараяпти?

Темир ҚУРБОН,
«Mahalla» мухбири.

9 май - Хотира ва Қадрлаш куни

АДИБЛАР ХОТИРАСИНИ ЁДЛАБ

Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси мамлакатимиз ёзувчилар уюшмасининг энг йирик бўғинларидан бири ҳисобланади.

Юз нафарга яқин қалам аҳлини бирлаштириб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнда фаол қатнашаётган мазкур ташкилотда 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

- Бу санани муносиб кутиб олиш мақсадида аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқдик,- дейди Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов. - Режага биноан урушда шаҳид кетган ҳамда ҳаётдан бевақт кўз юмган барча марҳум адиблар хотираси ёд айланади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Қенгаши қарорига биноан Аяпберган Мусаев, Содиқ Нурумбетов, Жулмурза Аймурзаев, Сапар Хўжаниёзов, Аденбой Тожимуротов каби таниқли ёзувчи ва шоирларнинг юбилейлари ўтказилади. Ҳозирда маҳаллий ахборот воситаларида «Ёднома» рукни остида уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида материаллар бериб борилмоқда, асарлари чоп этилмоқда.

А.ИСКАНДАРОВ

«Оталар сўзи – ақлнинг кўзи»

Футбол - жаҳонда

НАҲОТКИ, РОНАЛДО ҲАМ МАЙДОНГА ҚАЙТМАСА?

Футбол оламини мафтун этаётган Европа футболи ўз ҳаётидаги фавқулодда ҳолатлари билан ҳам футбол ишқибозларини гоҳ-гоҳ ўкситиб туради.

Дунёга машҳур футболчиларнинг яшил майдон билан хайрлашиши шубҳасиз футбол ишқибозлари қалбида бир армон бўлиб қолади. Ахир футбол майдонларидаги томоша ўриндиқларинику қўяверинг, бизнинг телеэкранларимиз футбол юлдузларисиз ҳеч нарсага ўхшамай қолади.

Бразилия футболининг ёрқинлигини бугунги кунда давом эттириб келаётган Роналдо ҳам...

Яқинда у ўзи олган жароҳатдан тузалдим, дея майдонга қайтганди. Унга ўйинга тушиш учун докторнинг рухсати Бразилия миллий жамоаси учун, айниқса, у ўйнаётган Италиянинг «Интер» жамоаси учун чанқоқда сувга етган каби қониқиш ҳиссини пайдо қилганди.

Роналдо Италия Кубоги финал ўйинида «Интер» таркибида «Лацио»га қарши ўйинга тушди. У ўйин бошидан эмас, бор-йўғи ўйин давомида команладоши Мутанинг ўрнига тушганди.

Афсуски, Роналдонинг майдонга қайтишини қутловчи шовқин ҳам тинмасланоқ, яъни, бир неча дақиқадан сўнг майдонга шифокорлар чопиб келишларига тўғри келди... Шифохонада яна Роналдога ташхис қўйилди: ўнг тиззанинг суяклар туташган жойидан ажралиш юз берган. Эски шикаст ўзининг асоратини кўрсатган экан. Кўнгилчанроқ врачлар Роналдо йил сўнггигача майдонга қайта олмайди, десалар, бундай ҳолатларда меҳри қаттиқроқ шифокорлар эса Роналдонинг футболлаги чўқ-қисига нуқта қўйилди, деб мухлисларни ранжитишмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Маҳалланинг гаплари

Йўқ, менга ишонманг! Кимгадир ёрдамингиз тегса, ўзингизни аяманг. Ундан қайтмаса, худодан қайтар! Сиз ёрдам берган одам балки мард, бир сўзлик ўзбек ўғлони бўлар.

ОМОНАТ КУЁВГА ҚАРЗ БЕРМАНГИЗ

ёхуд савоб ишга ўрин қолмадими?

Турмуш ўртоғим билан болаларнинг келажагини ўйлаб, тўй ҳақида орзу қилган кезларимизда, мен никоҳ узугимни қизимга, хўжайинимнинг узугини эса ўғлимизга берармиз, деб ният қилиб ўтирар эдик...

Аммо ...Куз палласи эди. Маҳалламизда дув-дув гап тарқалди. Ҳусниддин уйланар эмиш, деб. Билмаганлар учун биринчи қарашда бу оддий воқеа эди. Лекин қўшниларга Ҳусниддин қуёв либосларини иккинчи марта ҳозирлаётганлари маълум эди. Тўғри иқтисодий жиҳатдан осон эмас бир оилада кетма-кет тўйлар ўтказилиши (хонадон эгаларининг худо олдида ҳам, жамият олдида ҳам тўрт ўғилни уйлантириш, уй-жойли қилиш фарзлари бор эди). Буларнинг ҳаммасидан хабарим бор эди.

Эрталабдан карнай-сурнай овозлари янграб, куёв жўралари билан ЗАГСга кетаётганлигини жар солди. Эшигимиз тақиллаганди, чиқиб қарасам, чиройли кийинган куёв - Ҳусниддин турибди. Нигоҳида эса қалбидан кечаётган туйғулар, хурсандчилик, чарчоқ ва аллақандай қўрқув сезилиб турган эди. «Келинойи, илтимос акамларнинг никоҳ узукларини бир соатга бериб туринг, келин билан алмаштириб тақишга узоқ ололмадим, ЗАГСдан ўтаману сизга қайтариб бераман», дея ялиниб-ёлворди. Юрагимга ўт тушди. Нечун биз инсонлар ўз-ўзимизга шунчалик тўсиқлар яратганмиз! Узоқ, никоҳ қўйлак, сарпою сеплар! Нега икки ёшнинг бахтини ўйламаймиз! Наҳот, шу темир Ҳусниддиннинг иккинчи турмушига ҳам тўғаноқ бўлса, деб хаёлимдан ўтдию, юғуриб ичкаридан боламнинг тўйига деб асраб қўйилган эримнинг узугини олиб чиқдим.

...Бир йил бўлаяптики, уйимда тинчлик йўқ. Аввалари ишонмасдим, эндиликда ҳаммага айтиб юрибман - никоҳ узукда хосият кўп экан. Ёшлар уни бир марта бир-бирига тақар экан. Ва у уларни бир умрга боғлар экан. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уйимдан узук билан бирга файз-барака, ҳузур ҳаловат, хандон кулги чиқиб кетди. Нега дейсизми? Чунки Ҳусниддин узукни йўқотдим, дея қайтариб бермади.

Менинг яхшилигим, савобим қаергача борди. Ҳаммага ибрат бўлиб, «Омонат куёвга қарз бермангиз» деганим боиси ҳам шунда. Кейинчалик билсам, Ҳусниддиннинг тўйи буткул қарз эвазига ўтказилган экан. Нега шуни билатуриб, маҳалла аралашмади, тўйни ихчам қилишда бош-қош бўлмади. Нега артистлар чўнтагига «почка-почка» пул қистирган ёру биродар, қариндош уруғ ортиқча сарф-харажат ўрнига ёшларни энг зарур нарсаси билан таъминламади? Ўйламанг, тўй ўтгандан кейин шунча шов-шув, деб. Йўқ, менинг ва Ҳусниддиннинг оиласида «узук» доги умрбод ўчмайди. Омонат қайтарилган тақдирда ҳам дарё бўлиб оққан кўз ёшларни, қайнотамдан ёдгорлик қолган мерос узукни, оиламиздаги меҳр-оқибатни ким қайтариб беради?

Ушбу сатрларни ёзаяпману, аммо худди шундай вазиятга тушган ёш йигитларимизни ўйлайман. Наҳотки, бу дунёда иймон, ишонч, йигитлик ғурури, савобга ўрин қолмади?

Йўқ, менга ишонманг! Кимгадир ёрдамингиз тегса, ўзингизни аяманг. Ундан қайтмаса, худодан қайтар! Сиз ёрдам берган одами балки мард, бир сўзлик ўзбек ўғлони бўлар.

Хатимнинг якунида ота-оналарга, маҳалла-кўйга бир даъватим бор: янги ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизни била туриб шундай боши берк кўчаларга киритиб қўймайлик, қарзга ботишига йўл қўймайлик! Ахир омонат билан бошланган ҳаёт мустаҳкам бўлмайди-ку!

Г.АБДУЛЛАЕВА.
Тошкент шаҳри.

Футбол - маҳаллада

«Дарвоза олдида хавфли вазият» ёки «бўш дарвозага ҳужум.»

Табриқ

ТУРДИЕВА ЗУҲРА, ОРИПОВА ФОТИМА!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Бахтли, саодатли бўлинг.

Куёвингиз - Фурқат, синглингиз - Мадина ва невараларингиз - Шерзод, Махсума.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ

Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220

Топширилди—20.30